

ПУДРАТ ШАРТНОМА  
№ ШЁМ-1

23.09.2022 йил

Термиз шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

номидан НИЗОМ асосида иш қурувчи

Арамоев Аслиддин Хошимович бир томондан ва кейинги

ўринларда «Бош пудратчи» деб юритиладиган «Голд Ас Термиз» МЧЖ

номидан НИЗОМ

асосида иш қурувчи Пардаев Салоҳиддин

иккинчи томондан Сурхондарё вилояти Шеробод тумани "Киттабоғ" МФЙ нинг мавжуд 2 қаватли маҳалла идара биносини реконструкция қилиш йули билан "Ёшлар маркази"га айлантириш ва қушимча фаоллар зали қуриш 1-Б ишларини бажаришга

доир мазкур пудрат шартномани туздилар.

**I. Тарифлар**

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:  
ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;  
қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;  
вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;  
беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;  
шартнома нарҳини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси.**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Сурхондарё вилояти Шеробод тумани "Киттабоғ" МФЙ нинг мавжуд 2 қаватли маҳалла идара биносини реконструкция қилиш йули билан "Ёшлар маркази"га айлантириш ва қушимча фаоллар зали қуриш 1-Б ишларини бажаришга

лойиҳада қузда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил 20 сентябрдаги №146050 сонли баённомаси) билан объектнинг қурилиш қиймати қушимча қиймат солиғи билан биргаликда 1 595 656 356 (Бир миллиард биш юз тўқсон беш миллион олти юз эллик олти минг уч юз эллик олти) сўми, (шу жумладан ККС 208 129 090 сўм)ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;  
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

**IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар (Субпудратчи) билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

иловага мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқлинишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ёки субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилган қурилиш-монтаж ишларини ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдидан тўлиқ мулкый жавобгар ҳисобланади.

**V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 2- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча муурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;  
молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

**VI. Ишларни бажариш муддатлари**

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютатада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома конун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш ваъти ишлар бошланган кундан эътиборан \_\_\_ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

**VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан икки ойга тенг улушларга булинган ҳолда (ойига 15 фоиздан) бунақ ўтказида, бу (239348450+239348450)= 478 696 900 (Турт юз етмиш саккиз миллион олти юз тўқсон олти минг тўққиз юз) сўмини ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади ( 1 ва 2-иловалар).

16. Пудратчи томонидан ишшоотда ойма-ой бажарилган КМИларни жорий молиялаштиришга буюртмачи томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) асос бўлади.

- Жорий молиялаштириш бажарилган КМИ сифати ЛСХга мувофиқлиги текширилгандан кейин, берилган авансини ҳисобга олган ҳолда, ойма-ой бажарилган КМИни 65 фоизи миқдоридан амалга оширилиб, объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизи доираси миқдоридан бўлади.

- КМИларни 95 фоизгача жорий молиялаштириш Республика бюджети, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан жорий йилда тасдиқланган манзилли дастурда назарда тутилган маблағ мажбуриятдан келиб чиқиб амалга оширилади ёки молиявий маблағ билан таъминлаш шартномаси (договор финансирования) асосида ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади

17. Объект қийматининг 5 (беш) фоизи миқдори тулови шартномадаги ишлар тулиқ бажарилиб натижаси харажатлар ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) шаклида расмийлаштирилиб буюртмачига топширилиб, кафолатли муддат утгач ва фойдаланувчи ва буюртмачи томонидан ишшоотнинг КМИлари бўйича эътирозлар йўқлиги тўғрисидаги уч томонлама далолатнома тулиқ имзолангандан кейин амалга оширилади.

- Объектнинг 5 фоизлик кафолат маблағи пудратчига тулангангунга қадар ишшоотни фойдаланувчи балансига олганлиги тўғрисида маълумотнома (авизо) тасдиқланган бўлиши лозим.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектта мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадалига биноан объектда ишларни бажаришни мураккаб равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тўпроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тўпроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлиқ белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлиқ белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан қиритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландлиқлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш даврига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларида майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатга қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишининг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни сутпуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги

маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни қўриқлаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсиқлан қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутанооси равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишига тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда икки нусxada иккун ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда, ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадалига риоя этилмаганда;



22.09.2022 йилдаги ШЁМ-86 сонли  
пудрат шартномага 1-сонли илова

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани "Каттабоғ" МФЙ нинг мавжуд 2 қаватли маҳалла идора биносини реконструкция қилиш  
йули билан "Ёшлар маркази"га айлантириш ва қушимча фаоллар зали қуриш 1-Б ишларини  
**БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**

(млн.сумда)

№	Ишлар тури ва номи	Бирлиги	Миқдори	2022 йил қурилиш қиймати												Ишлар тури қиймати ҳажми	
				I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак				
				январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	
1	Реконструкция қилиш ишларини бажариш	млн.сум	1595,656356										595,656	600,000	400,000		1595,656356
	Хаммаси:		1595,656356										595,656	600,000	400,000		1595,656356

Эслатма: Қурилиш-монтаж ишлари биринчи бунақ тулаб берилган санадан бошланади.

"БУЮРТМАЧИ"

Вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК

Бош муҳандис:



А.Мамадаминов

"ПУДРАТЧИ"

"Голд Ас Термиз" МЧЖ

Раҳбари:

С.Пардаев



22.09.2022 йилдаги ШЁМ-86 сонли  
пудрат шартномага 2-сонли илова

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани "Каттабоғ" МФЙ нинг мавжуд 2 қаватли маҳалла идора биносини реконструкция қилиш  
йули билан "Ёшлар маркази"га айлантириш ва қушимча фаоллар зали қуриш 1-Б ишларини  
**МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**

(млн.сумда)

№	Молиялаштириш тартиби	2022 йил қурилиш қиймати												Жами: 5% маблаг	Хаммаси	
		I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак					
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	15%+15%=30% хажмда бунак										239,348	239,348				478,696907
2	65% жорий молиялаштириш											387,177	390,000	260,000		1037,176631
3	5% кафолат муддати тугагандан кейин														79,783	79,782818
	Хаммаси:										239,348	626,525	390,000	260,000	79,783	1595,656356

"БҮЮРТМАЧИ"

Вилоят ҳокимлиги "Ягона  
бўюртмачи хизмати" ИК

Бош муҳандис:



А.Мамадаминов

"ПУДРАТЧИ"

"Голд Ас Термиз" МЧЖ

Рахбари



С.Пардаев